

**ТОШКЕНТ ТИ ББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АБДУХАЛИЛОВА ГУЛНОРА КУДРАТУЛЛАЕВНА

**БАКТЕРИАЛ ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ
ФЕНОТИПИК ВА ГЕНОТИПИК ТАВСИФИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ДОРИЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА АҲАМИЯТИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

УДК: 616.34: 616.98: 576.851.49: 575.113: 576.8.097.22

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) abstract of dissertation

Абдухалилова Гулнора Кудратуллаевна

Бактериал ичак инфекциялари кўзгатувчиларининг фенотипик ва генотипик тавсифи ҳамда уларнинг дориларга чидамлилиги ривожланишида аҳамияти3

Абдухалилова Гулнора Кудратуллаевна

Фенотипические и генотипические характеристики возбудителей бактериальных кишечных инфекций и их роль в формировании лекарственной устойчивости.....25

Abdukhalilova Gulnora Kudratullaевна.

Phenotypic and genotypic characteristics of pathogens of bacterial intestinal infections and their role in the formation of drug resistance.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ТОШКЕНТ ТИ ББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

АБДУХАЛИЛОВА ГУЛНОРА КУДРАТУЛЛАЕВНА

**БАКТЕРИАЛ ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИНИНГ
ФЕНОТИПИК ВА ГЕНОТИПИК ТАВСИФИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ДОРИЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА АҲАМИЯТИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib17 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий – текшириш институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ахмедова Мубарахон Джалиловна Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нуралиев Неккадам Абдулаевич Тиббиёт фанлари доктори, профессор Нурузова Зухра Абдикадировна Тиббиёт фанлари доктори, профессор Қодирова Дилбар Абдуллаевна Биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Федерал давлат бюджет ташкилоти «Федерал тиббий-биологик агентлигининг болалар илмий-клиник юқумли касалликлари маркази» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биносининг мажлислар зали. Тел./факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 2. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) билан касалланиш даражаси юқори бўлиб, «...учраш даражаси бўйича респиратор патологиялардан кейинги ўринда туриши, касалликнинг нохуш оқибатларининг юқорилиги»¹ билан долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. ЖССТ нинг маълумотига кўра «...ЎИИ Европа минтақасида 23 млн. дан ортиқ кишилар кўзғатувчилар билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиб касалланадилар, бу эса йилига тахминан 5000 та ўлим ҳолатларига олиб келади»². Аммо, кўпгина антибактериал препаратларга чидамли кўзғатувчилар чақирган ўткир диарея касалликларининг ташхисоти ва уларни даволаш бугунги кунда муҳим муаммо ҳисобланади ва кўзғатувчиларининг антибактериал чидамлилиқ шаклланиши билан боғлиқ бўлган ҳар хил генларида мутацияни аниқланиши мураккаб бўлиб, бу эса касалликнинг нохуш асоратларини келиб чиқишига олиб келади.

Жаҳонда ўткир диарея касалликлари кўзғатувчиларининг фенотипик ва генотипик хусусиятлари, микробларга қарши препаратларга чидамлилиқ бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва антибиотиклардан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ўткир диарея касалликларининг этиологиясини баҳолаш ҳамда кўзғатувчилар спектрида ўзига хос фарқларни аниқлаш; беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* нинг микробга қарши препаратларга нисбатан сезгирлигини, резистентлик фенотиплари ва генотипларини баҳолаш; *S. Typhimurium* нинг плазмида профилини ва *S. Typhimurium* нинг плазмидалар сақловчи штаммларининг чидамлилиқ генининг профилини аниқлаш дозарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан ўткир диарея касалликлари кўзғатувчиларини аниқлаш ҳамда микробга қарши препаратларга микроорганизмларни сезгирлигини аниқлаш замонавий тиббиётнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш»³ вазифалар белгиланди. Бунда, замонавий технологияларни қўллашни

¹ Малеев В.В. О состоянии санитарно-эпидемиологического благополучия населения Российской Федерации в 2013 году. Государственный доклад. М.: Федеральная служба по надзору в сфере защиты прав потребителей и благополучия человека, 2014;1-191;

² WHO estimates of the global burden of foodborne diseases. Foodborne diseases burden epidemiology reference group 2007–2015. Geneva: World Health Organization; 2015, 25 (http://www.who.int/foodsafety/publications/foodborne_disease/fergreport/en/, accessed 27 June 2016)

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

кенгайтириш орқали мамлакат аҳолисига юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг турли қатламларининг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришни чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3071 сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Ўткир диарея касалликларини ташхисоти, даволаш тадбирларини ҳал этишга ҳамда ЎИИ кўзғатувчиларини микробларга қарши препаратларга чидамлилиги шаклланишининг мониторинги масалаларига йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан World Health Organization (Дания), Center for Diseases Control and Prevention (АҚШ), Infection Control and Laboratory Diagnostic (Япония), Canadian Integrated Program for Antimicrobial Resistance Surveillance (Канада), Child and Adolescent Department University Hospital of Geneva (Швейцария), Смоленск Давлат тиббиёт академиясининг микробга қарши химиотерапия илмий - текшириш институти (Россия), Пастер номидаги Эпидемиология, микробиология илмий текшириш институти (Россия) ва Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ЎИИ кўзғатувчиларининг микробларга қарши препаратларга чидамлилиги муаммосининг амалий ечимини ҳал этишга йўналтирилган қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқадиган ЎИИ кўзғатувчиларини антибиотикларга чидамлилиги муаммоси баҳоланган (World Health Organization, Дания); қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига антибиотиклардан фойдаланишни қисқартириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш исботланган (Canadian Integrated Program for Antimicrobial Resistance Surveillance, Канада); бактериянинг антибиотикларга чидамлилиги ушбу стратегиянинг муҳим масаласи ҳисобланган (Infection Control and Laboratory Diagnostic, Япония); қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига фторхинолон қаторидаги дори воситаларидан энрофлорксацинни қўлланилиши, *Salmonella* туркумидаги

⁴Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.int.who.org; www.cdc.gov; www.cdc.gov/drugresistance; <http://www.med.tohoku.ac.jp>; www.canada.ca/en/public-health/services/surveillance; <https://www.hug-ge.ch/en/search-en/antimicrobial>; www.antibiotic.ru/iac.php; www.pasteurorg.ru; www.minzdrav.uz/agencies/details и др. источников.

бактерияларда одамларни даволашда фойдаланиладиган ципрофлоксацинга нисбатан чидамлилик ривожланишига олиб келиши, кейинчалик, бундай чидамли бактериялар одамларда касалликлар чақириши исботланган (Child and Adolescent Department University Hospital of Geneva Швецария); Пастер номидаги Эпидемиология, микробиология ИТИ, Россия); фторхинолонлар, цефалоспоринлар каби микробларга қарши препаратларга нисбатан микроорганизмлар штамmlарининг резистентлиги исботланган (Смоленск Давлат тиббиёт академиясининг микробга қарши химиотерапия илмий - текшириш институти, Россия); ўткир ичак инфекциялари кўзғатувчиларининг фенотипик ва генотипик тавсифи яратилган (Center for Diseases Control and Prevention, АҚШ); Пастер номидаги Эпидемиология, микробиология илмий текшириш институти, Россия); Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти (Ўзбекистон).

Ҳозирги вақтда ўткир ичак инфекцияларини этиологик структурасини ўрганиш бўйича бир қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўткир ичак касалликлар билан оғриган беморлардан ажратилган, резистентлик фенотиплари ва генотиплари аниқланган *S. Typhimurium* штамmlарининг микробга қарши препаратларга сезгирлигини текшириш; *S. Typhimurium* нинг плазмида профилини баҳолаш; *S. Typhimurium* плазмидаларида β – лактам антибиотикларига чидамлилик генлари мавжудлигини аниқлаш; *S. Typhimurium* нинг плазмида сақловчи штамmlарида чидамлилик генлари профилини аниқлаш; ўткир юқумли ичак касалликлари этиологиясини аниқлаш учун микробиологик текширишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида сўнгги йилларда ЎИИ нинг ташхисоти муаммосига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди (Айвазян С. Р., Грановский И. Э., 2009; Денисюк Н. Б., Каган Ю. Д., 2013; Асилова М. У., Мусабоев Э. И., Убайдуллаева Г. Б., 2011). Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, касалликнинг этиологик структурасини идентификация қилишнинг лаборатория усулларини такомиллаштириш, микробларга қарши препаратларга нисбатан сезгирлигини ўз вақтида аниқлаш ва мониторингини олиб боришни қамраб олувчи мажмуавий ёндашув талаб этилади (Козырева В.К., Эйдельштейн М.В., 2012; Шадманова Н.А., Исхакова Х.И., 2015). Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канадада одамлар, ҳайвонлар ва озиқ-овқат маҳсулотларидан ажратилган, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқадиган сальмонелла штамmlари ва бошқа кўзғатувчиларнинг биринчи навбатда тиббиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган – хинолонларга ҳамда кўпгина микробларга қарши препаратларга чидамлилиги бўйича мониторинг амалга оширилади (Rodriguez I., Barownick W., 2009; Egorova, S., 2007). Дунёнинг кўпгина давлатларида бета-лактамаз, жумладан кенг спектрдаги бета-лактамазнинг (КСБЛ) тарқалганлиги фаол кузатилмоқда.

Мамлакатларда, ҳудудларда ва алоҳида даволаш муассасаларида КСБЛнинг тарқалганлиги тўғрисида чоп этилган мақолалар сони ортиб бормоқда. Мисол учун, Европада (Eckert C., Gautier V., 2004; Hope R, Potz NA, Warner M, 2007), Америкада (Toleman M.A., Simm A.M., 2002), Осиё минтақаси мамлакатларида (Hirakata Y, Matsuda J, 2005; Koo S.H., Kwon K.C., 2010). Ҳозирги вақтга қадар 800 дан ортиқ турли КСБЛ тавсифланган (Gniadkowski M., 2008). Улардан энг асосийлари кенг таъсирга эга бўлган бета-лактамазнинг TEM, SHV, кенг спектрдаги бета-лактамазнинг CTX-M, OXA типдаги бета-лактамазлар, металл бета-лактамазларнинг VIM, IMP, NDM ва б.к. генлари ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар, ЎИИ кўзғатувчиларининг хусусиятларини ўрганишни ва микробларга қарши препаратларга сезгирлигининг мониторингини ўтказишни, ЎИИ билан касалланишни камайтиришга йўналтирилган даволаш ва профилактик тадбирларни мақбуллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун таххисот усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг «Бактериал ичак инфекцияларини чўзилган ва сурункали шаклда кечишининг сабаблари ва патогенези механизмларини аниқлаш» (2012-2016 йй) ҳамда ЖСТТ ва ЎЗР ССВ «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳамда ажратиб олинган микроорганизмларни микробга қарши дори воситаларига нисбатан чидамлилиги» (2012-2013 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бактериал ичак инфекциялари кўзғатувчиларининг фенотипик ва генотипик тавсифи ҳамда уларнинг дориларга чидамлилиги ривожланишида аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида ўткир диарея касалликларининг этиологик структурасини ўрганиш ҳамда кўзғатувчилар спектрида махсус фарқларни аниқлаш;

Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида ўткир ичак касалликлари билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штамmlарининг микробга қарши препаратларга нисбатан сезгирлигини резистентлик фенотипини аниқлаш;

фенотипик ва генотипик усуллар ёрдамида *S. Typhimurium*нинг β – лактамаза ишлаб чиқаришини кенгайтирилган спектрини аниқлаш;

S. Typhimurium штамmlарининг плазмида профилини баҳолаш;

*S. Typhimurium*нинг плазмидаларида β – лактам антибиотикларига нисбатан резистентлик гени мавжудлигини аниқлаш;

*S. Typhimurium*нинг плазмида тутувчи штамmlарида резистентлик генлари профилини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг учта ҳудудларида (Тошкент ш, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти) ЎИИ билан касалланган 2 ойликдан 72 ёшгача бўлган беморлар (n=200), *S. Typhimurium* штаммлари (n=105) олинган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг нажаси, *S. Typhimurium* ДНКси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудий эпидемиологик жиҳатларга боғлиқ ҳолда ўткир диареяли беморлар этиологик структураси *Salmonella spp.*, *Shigella spp.*, патоген *E. coli*, *Campylobacter spp.*, вируслар ва шартли-патоген микроорганизмлар эканлиги исботланган;

алоҳида ҳудудлардаги беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штаммларининг антибактериал препаратларга резистентлиги исботланган;

S. Typhimurium штаммларининг резистентлик бўйича аниқланган фенотипик ва генотипик жиҳатлари кўзғатувчиларда мутация бўлиш эҳтимолини башоратлаш ва чидамлилигини мониторингини ўтказиш асосланган;

β – лактам синфига оид антибактериал препаратларга нисбатан резистентлик генини аниқлашнинг электрофоретик детекцияли полимераза занжир реакцияси такомиллаштирилган;

антибактериал препаратларга нисбатан микроорганизмларнинг резистентлиги ҳақида маълумот берувчи плазмидаларни ажратиш *S. Typhimurium* мисолида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида бактериологик ва полимераза занжир реакцияси усуллари ёрдамида ўткир диарея касалликларининг этиологик структурасидаги фарқлар ва хусусиятлар аниқланган;

S. Typhimurium келтириб чиқарган сальмонеллезда амалиётда кенг қўлланивчи фторхинолон қаторидаги антибактериал препаратларга нисбатан минимал ингибирловчи концентрациясини аниқлаш асосланган;

ўткир ичак инфекциясининг лаборатория ташхисотида бактериологик, серологик ва молекуляр-генетик усуллар мажмуаси таклиф этилган;

эмпирик даволашда *S. Typhimurium* штаммларининг антибактериал препаратларга нисбатан сезувчанлиги аниқланган;

антибактериал препаратларни ўз вақтида тавсия этиш мақсадида β – лактам антибиотикларга нисбатан резистентлик генотипларини аниқлаш тавсия этилган;

S. Typhimurium нинг клонларини аниқлаш ҳамда мониторинг мақсадида антибактериал препаратларга нисбатан резистентлиги ҳақида маълумотни беришда иштирок этувчи плазмидаларни аниқлаш усули тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган кўзгатувчилар, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи микробиологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўткир диарея касалликлари кўзгатувчилари – етакчи микроорганизмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига боғлиқ равишда ажратиб олиш ҳамда ЎИИ кенг тарқалган бактериал полирезистент кўзгатувчиларидан бири бўлган *S. Typhimurium* ўрнини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, *S. Typhimurium* клонининг аниқлаш ҳамда мониторинг мақсадида микробга қарши препаратларга нисбатан микроорганизмлар резистентлиги маълумотини беришда иштирок этувчи плазмидаларни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш бўлиб, бу эса ўз ўрнида бактерия хужайрасида дори воситасига нисбатан турғунликнинг янги резистент фенотипини, жумладан антибактериал дори воситаларининг III ва IV авлодларига нисбатан кўплаб дори воситасига нисбатан турғунлик фенотипи шаклланишига олиб келувчи, бактерия изолятида жойлашган мобил генетик элементларда (плазмидаларда) ESBLs ва карбопинемаз каби турли хил резистентлик генлари мавжудлигини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бактериал ичак инфекциялари кўзгатувчиларининг фенотипик ва генотипик тавсифи ҳамда уларнинг дориларга чидамлилиги ривожланишида аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«*S. Typhimurium* плазмидаларини ажратиб олиш усули» га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патент олинган (№ IAP 05610, 31.05.2018 й). Натижада клиник амалиётга тадбиқ этилиши *S. Typhimurium* клонини аниқлаш ва ўчоқни эпидемиологик текширишлар ўтказиш сифатини ошириш имконини берган;

«III-IV гуруҳ бактериялари ва вируслари билан ишлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш, ташиш ва бошқа ташкилотга бериш бўйича йўриқнома» номли ишлаб чиқилган услубий қўлланма соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан бактериологик лабораторияларнинг амалий иш фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 7 январдаги 012-3/0195-сон маълумотномаси). Натижада ушбу қўлланма энтеропатогенлар билан ишлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«III-IV гуруҳ микроорганизмларини коллекцион штаммларини сақлашнинг услубий асоси» номли ишлаб чиқилган ва тасдиқланган услубий қўлланма соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Ўзбекистон Республикасидаги барча бактериологик лабораторияларнинг амалий иш фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 22

сентябрдаги 8м/153-сон маълумотномаси). Натижада лабораторияда энтеропатогенлар билан ишлаш жараёнини такомиллаштиришга имкон берган;

«Ўткир диарея касалликларида бактериологик ва ПЗР усулларининг қиёсий техник-иктисодий хусусиятлари» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ҳамда соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 мартдаги 8н-р/59-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ЎИИ кўзгатувчиларини эрта аниқлаш усулини тўғри танлашга хизмат қилади.

«Фенотипик ва ПЗР усуллари ёрдамида антибиотикларга резистент штаммларни аниқлашнинг қиёсий жиҳатлари» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 мартдаги 8н-р/60-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ПЗР усули ёрдамида кенг спектрдаги бета-лактамаз (КСБЛ) детекциясини аниқлаш, ЎИИ билан касалланган беморларни илк куниданоқ касалхонага ётқизилишини ҳамда асосланган антибактериал препаратларни танлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 13 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўткир диарея инфекциялари ташхисотининг замонавий жиҳатлари, *S. Typhimurium* штаммларининг антибиотикга сезгирлиги, фено- ва генотипик хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида иш мавзусига оид адабиётларнинг таҳлили берилган. Адабиётлар шарҳида ЎИИ этиологик структураси ҳамда уларнинг ташхисоти тўғрисида

замонавий тушунчалар, сальмонеллез инфекциясининг долзарблиги, микробга қарши препаратларга нисбатан сезгирлигини аниқлаш синамасини ўтказиш ҳамда изоҳлашга ёндошувлар, резистентлик гени ҳамда уларни плазмиданинг мобил элементлари орқали берилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўткир диареяли беморларнинг этиологик омилени аниқлаш ҳамда *Salmonella typhimurium* штаммининг антибактериал препаратларга нисбатан сезгирлигини замонавий текширув усуллари ёрдамида ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган.

Ушбу тадқиқот иши 2006-2015 йиллар мобайнида ЎзР ССВ ЭМЮКИТИнинг «Ноёб объект: Одам инфекцияси микроорганизмларининг Миллий Коллекцияси» ва ПЗР лабораторияларида бажарилди. Ўткир ичак инфекцияларининг этиологик структурасини классик бактериологик усул (n=1659) ҳамда ПЗР (n=626) усуллари ёрдамида аниқлаш мақсадида материал (нажас) Республиканинг учта ҳудудларининг юқумли касалликлар шифохонасидан: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти (марказий ҳудуд), Қашқадарё вилояти (жанубий ҳудуд) ва Хоразм вилоятидан (шимолий ҳудуд) келтирилди. Кузатувдаги беморларнинг ёши 1 ойликдан 72 ёшгача бўлди.

Микробга қарши препаратларга нисбатан резистентлик генини детекцияси (n=105) *S. Typhimurium* антибактериал препаратларга нисбатан сезгирлигини фенотипик ва генотипик сезгир синамада (n=105) юқорида санаб ўтилган учта ҳудудлардан олинган культуралардан фойдаланилди.

Проспектив тадқиқотда бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Бактериологик экма учун намуналар (нажас): музлатилган ҳолда стерил шиша флаконларда транспорт воситасида ташишга мўлжалланган 1:3 даги фосфат-буферли аралашмада олиб келинди. Намуналар лабораторияга етказилганидан сўнг лаборатория текширувлари ССВнинг 2015 йил 1 майдаги 177-сонли «Бактериологик, вирусологик ва ўта хафли юқумли касалликлар лабораторияларида ўтказиладиган лаборатория текширув усулларини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи асосида бажарилди. Намуналарни экишда кучсиз селектив бўлган Эндо (Merck, Germany) муҳити, селектив висмут – сульфит агар муҳити («Микроген», Россия) ҳамда SS-агар (Миллий НПЦ, Россия). Бойитувчи муҳит сифатида SDS-бульонидан (Миллий НПЦ, Россия) фойдаланилди. Колониялар энтеропатогенга шубҳа бўлган ҳолатларда уларни идентификациялаш мақсадида Клиглер муҳитига қайта экилди (Миллий НПЦ, Россия). Эндо муҳитидаги патоген эшерихияларга шубҳа бўлган ҳолатларда ҳам идентификациялаш ҳамда серологик реакцияларни ўтказиш мақсадида Клиглер муҳитига қайта экилди.

Қўзғатувчиларнинг авлоди ва оиласини аниқлаш мақсадида бактерияларни аниқловчи Берджи 1997 йил (9 нашр) жадвали ҳамда

бактерияларни аниқловчи Берджи жадвалига мувофиқ бўлган компьютер дастуридан фойдаланилди.

Реал вақт тартибидаги ПЗР текшириш усули ёрдамида *Shigella* spp., энтероинвазив *E.coli* (EIEC), *Salmonella* spp., *Campylobacter* spp., *Adenovirus* F, *Rotavirus* A, *Norovirus* 2 генотипи, *Astrovirus* «АмплиСенс®ОКИскрин-FL» (ИнтерЛабСервис, Россия) ва турли хил диароген эшерихиялар: *EPEC*, *ETEC*, *EIEC*, *EHEC*, *EAgEC* аниқлаш ҳамда турли хил кўзғатувчилар гуруҳлари ДНК қиёслаш мақсадида «АмплиСенс®Эшерихиозы-FL» (ИнтерЛабСервис, Россия), реагентлар тўпламидан фойдаланилди. ДНК/РНК экстракцияси ҳамда тескари транскрипция реакциясини ўтказиш мақсадида Роспотребнадзора «РИБО-преп» (Россия) реагентлари тўпламидан фойдаланилди. Нажас намуналаридан РНК/ДНК экстракциялашда реагент тўпламига киритилган фақатгина РНК-элюенти қўлланилди. Тахлиллар Германияда ишлаб чиқарилган БЗР RotorGeneQ – SNR0911/54 анализаторида бажарилди.

Salmonella spp. штамmlарининг морфологик, тинкториал ва биокимёвий хусусиятлари ЖССТ баённомасига мувофиқ равишда ўрганилди.

S. Typhimurium штамmlарининг биокимёвий фаоллиги углеводлар, спирт ва аминокислоталар: глюкоза, лактоза, маннит, дульцит, мочевино, арабиноза, ксилоза, цитрат, ацетат, малонат, фенилаланин, лизин тутган ярим суюқ муҳитга экиш орқали аниқланди. Ўрганилаётган культуранинг антиген структураси Кауфман-Уайт (Кауфман Ф., 1959) схемаси бўйича сальмонеллэзнинг специфик ABCDE поливалентлари ҳамда O1, O4, O5, O12, H1 зардоб монорецепторлари билан буюм ойначасида агглютинация реакция ўтказиш орқали аниқланди. *S. Typhimurium* куйидаги антиген формулаларига эга бўлди: O1, O4, O5, O12, H1. Тадқиқот ишида С.-Петербургнинг вакцина ва зардоб ИТИнинг зардоблари қўлланилди.

Микробларга қарши препаратларга нисбатан сезувчанлик - диск – диффузион усул ҳамда минимал ингибирловчи концентрацияни (МИК) аниқловчи усуллардан Халқаро стандарт (CLSI M02-A11 ва M07-A10) тавсияларига мувофиқ равишда серияли суюлтириш усуллари ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар CLSI M100-S22 тавсияларига мувофиқ равишда интерпретацияланди. Тадқиқот ишида Мюллер-Хинтон ағари, HIMEDIA (Ҳиндистон) ишлаб чиқарилган антибиотикли дисклардан ҳамда микробга қарши препаратларининг кимёвий жиҳатдан тоза субстанцияларидан (HIMEDIA, Ҳиндистон) фойдаланилди. Тадқиқот давомида ўтказилган текширув усуллари сифатини ички назорати сифатида *E.coli* ATCC 25922 ва *K.pneumoniae* ATCC 700603 назорат штамmlари қўлланилди.

Штамmlарни β-лактамаз микробга қарши препаратларга нисбатан резистентлик механизми молекуляр-генетик усул ёрдамида ўрганилди: электрофоретик детекцияли ПЗР ҳамда реал вақт тартибидаги ПЗР. SHV, TEM, CTX-M (генетик гуруҳлари CTX-M1, CTX-M9, CTX-M8/25, CTX-M2) генетик оилаларини кенг ва ёйилган спектридаги β-лактамаз ҳамда турли хил

карбапенемаз – ОХА-48, КРС ва металл- β-лактамаз NDM, VIM, IMP ишлаб чиқарилишини кодловчи ген детекцияси «Евроген» ишлаб чиқарилган реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда ўтказилди (Москва, Россия).


Тадқиқот мобайнида олинган натижаларга Microsoft Office Excel-2012 дастур тўплами ёрдамида Pentium-IV персонал компютерида статистик ишлов берилди.

S. Typhimurium плазмида профилини ажратиб олиш мақсадида бизлар таклиф этган «*Salmonella typhimurium* плазмидасини ажратиб олиш усули» дан фойдаланилди. Ушбу усул бактериал хужайраларни ўстириш, 4°C ҳароратда 10-15 дақиқа давомида 4000 айл/дақиқа центрифугирлаш орқали чўкмага тушириш, чўкмани ажратиб олиш, I (50 mM глюкоза; 100mM Tris-HCl, pH 8,0; 10mM ЭДТА) эритмасида чўкмага тушган хужайраларни ресуспендирлаш, кетма-кет II (0,2 N NaOH; 1% SDS) эритмани кўшиб бориш, сўнгра чайқатиш, 5 дақиқа давомида музда тутиб туриш, совутилган аммоний ацетатни кўшиш, яна 5 дақиқа давомида музда тутиб туриш, 4°C ҳароратда 10 дақиқа давомида 5000 айл/дақ центрифугирлаш, супернатантни ажратиш, супернатантни экстрагирлаш, центрифугирлаш орқали чўкмага тушган плазмида ажратиб олишга асосланган. Бошқа усуллардан фарқи ресуспендирлашдан олин чўкмага тушган хужайралар ТЭ-буферда (50 mM Tris-HCl, pH 8,0; 5 mM ЭДТА, pH 8,0) ювилади ҳамда центрифугирлаш орқали ажратиб олинади; супернатант сув билан тўйинтирилган хлороформ билан экстрагирланади, сўнгра хона ҳароратида 10 дақиқа давомида пробирка аста-секин айлантирилади; 8°C ҳароратда 5 дақиқа давомида 10000 айл/дақ центрифугирланиб, сувли қават ажратилади; сувли қават 1/10 айл.с совутилган 3M натрий ацетат pH 5,2 ва 1 мл 96% этанол билан экстрагирланади, сўнгра 15 дақиқа давомида -20°C ҳароратда пробирка аста-секин айлантирилади; 2 босқичда плазмида центрифугирлаш орқали чўкмага туширилади: 4°C ҳароратда 1 соат мобайнида 5000 айл/дақиқа центрифугирланади, сўнгра яна 8°C ҳароратда 20 дақиқа давомида 12000 айл/дақ центрифугирлаш давом эттирилди. Сўнгра ажратиб олинган плазмидаларда кенг ва ёйилган спектрдаги SHV, TEM, CTX-M генетик оилаларининг β-лактамаз ишлаб чиқарилишини кодловчи генлар мавжудлиги ўрганилди.

Диссертациянинг «**Микробиологик усул ёрдамида ўткир диареяли касалликларнинг этиологик структурасини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида учта ҳудудларда бактериологик усул ёрдамида касалликнинг этиологик структурасини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. 656 та (39,5%) ижобий намуналаридан 802 та микроорганизмлар ажратиб олинган, улардан 291 (36,3%) таси патоген микроорганизмлар (ПМ) ҳамда 511 (63,7%) таси эса шартли-патоген микроорганизмлар (ШПМ) бўлиб, салбий натижалар фақат 60,5% ҳолатларда кузатилган. Ижобий намуналар орасида 200 (12,1%) ва 329 (19,8%) ҳолатларда ПМ ва ШПМ моноинфекцияси ташкил қилди. Уларнинг орасида Марказий ҳудуд (МХ) ва жанубий ҳудуд (ЖХ) ШПМ моноинфекцияси

устунлиги кузатилиб, мувофиқ равишда 17,8% ва 24,4% ни ташкил қилди. ШХ эса ПМ моноинфекцияси устун бўлди - 17,8%. 2 та микроорганизмлар ассоциацияси куйидаги кўринишларда аниқланди: ПМ + ШПМ ҳамда учта регионларда – 3,7% ташкил қилди, бундай ассоциациянинг юқори фоизда ажратиб олиниси ЖХ (4,0%) хос бўлиб, 2 та ПМ ассоциацияси ШХ ва ЖХ ларда 0,6% ҳолатлардан кузатилди, аммо 2 та ШПМ ассоциацияси МХ энг кўп бўлди.


Кам ҳолатларда 3 та микроорганизмлардан иборат ассоциация кузатилиб, уларнинг учраш даражаси 0,2% дан 1,1% ҳолатларгача бўлди (1-расм)



1-расм. Марказий, шимолий ва жанубий минтақаларда ўткир диарея касалликлари билан оғриган беморлардан ажратиб олинган ҳар хил микроорганизмларнинг ассоциацияси (n=1659, %)

Учта регион бўйича ажратиб олинган ПМ (2-расм) орасида патоген *E.coli* устунлик қилди. Бунда, МХ – 12,7% ҳамда ШХ – 10,6% ҳолатлар кузатилиб – бу ЖХ – 6,5% нисбатан 2 баробарга юқори бўлди. *Salmonella spp.* ШХ – 6,4%, ЖХ – 4,5% ва МХ – 2,1% нисбатан мувофиқ равишда 1,5 ва 3 маротаба кўпроқ верификацияланди. *Shigella spp.* ШХ – 5,7%, МХ – 1,9% ва ЖХ – 2,1% нисбатан 3 маротаба кўпроқ ўсиб чиқди. Иккита ҳудудда *Aeromonas spp.* идентификацияланди: ШХ – 0,6%, ЖХ- 0,5% ҳолатларда.

ШПМ кўп ҳолатларда ЖХ даги беморлардан ажратилди ҳамда 37,0% ташкил қилди, МХ – 32,0%, ШХ – 21,9% бўлди. ШПМ орасида энг кўп ҳолатларда *Citrobacter spp.* ўсиб чиқиб, МХ 11,8% ташкил қилди ҳамда бошқа ҳудудларга нисбатан 1,5 маротаба юқори бўлди. *Enterobacter spp.* ШХ 10,7% ҳолатларда кузатилди ҳамда бошқа ҳудудларга нисбатан 1,5 кўпроқ ўсиб чиқди. *Klebsiella spp.* кўп ҳолатларда ШХ (2,5%) кузатилиб, бошқа ҳудудларга нисбатан 1,5 маротаба юқори бўлди. *Proteus spp.* ЖХ 14 (2,1%) та ҳамда МХ 9 (1,9%) нафар ҳолатларда кузатилиб, ШХ 4 (0,75%) тага нисбатан 2 маротаба кўпроқ кузатилди. *Serratia spp.* ўсиб чиқиши ЖХ 18 (2,7%), ШХ 13 (2,5%) ва МХ 9 (1,9%) тани ташкил қилди.




2-расм. Марказий, шимолий ва жанубий минтақаларда ўткир диарея билан оғриган беморлардан микроорганизмларни ажратилиши (n=802, %).

ШПМ ўртасида юқори даражага эга бўлган кўрсаткичлардан бири, *Candida spp.* бўлиб, бу кўзгатувчини биз, ЎДК нинг этиологик омили сифатида қабул қилдик. Ушбу кўзгатувчи ЖХ 7,0% ҳолатларда кузатилиб, ШХ (2,1%) нисбатан 7,7 мартаба – МХ (0,9%) нисбатан 3,3 мартаба юқори бўлди.

Бошқа ШПМ ўсиб чиқиш фоизи ЖХ 35 (5,3%), МХ 22 (4,7%) ҳамда ШХ 8 (1,5%) нафар ҳолатларни ташкил қилди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ЎДК кўзгатувчилари бўлган - патоген ва шартли патоген микроорганизмларни аниқлаш даражасини беморлар ёши ва худудига боғлиқ равишда тадқиқот натижаларини таҳлил этиш бўлди (3-расм).


Таҳлил натижаларига кўра, уччала худуддаги барча ёш гуруҳидаги беморларда ПМ орасида патоген *E. Coli* етакчи бўлди, аммо МХ даги 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида *Salmonella spp.* ва *Shigella spp.* мувофиқ равишда (80,0%) ва (44,4%) ҳолатларни ташкил қилди. ЖХ ва ШХ кўп ҳолатларда *Salmonella spp.* ва *Shigella spp.* 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳида аниқланди ҳамда мувофиқ равишда 56,7%, 35,7% ва 44,1%, 50,0% ҳолатларни ташкил қилди. ШПМ ўртасида кўп ҳолатларда *Citrobacter spp.*, *Enterobacter spp.*, *Klebsiella spp.* ва *Proteus spp.*, барча худудларда ПМ даги ёш гуруҳларида аниқланди.



3-расм. Марказий, шимолий ва жанубий минтақаларда ўткир диарея билан касалланган беморларнинг ёшига боғлиқ равишда микроорганизмларни ажратиб олиниши (n=802, %).

ЎД билан касалланган беморлар фекалиясидан аниқланган энтеропатогенларнинг учраш даражаси ва аниқланиш спектрини учта ҳудудларда йил фаслларига боғлиқлиги 4-расмда кўрсатилган.

ПМ ажратилишининг энг юқори фоизи йилнинг ёз ойларига тўғри келди, МХ 37,2%, ШХ – 53,7%, ЖХ – 44,4% ташкил қилиб, патоген *E. coli* ўсиб чиқишини юқорилиги ҳисобига бўлди. Ажратиб олинган умумий микроорганизмлар орасида *Salmonella spp.* ва *Shigella spp.* йилнинг қиш ойларида МХ юқори даражани ташкил қилди. ШХ *Salmonella spp.* Ажратиболинишининг юқори кўрсаткичлари баҳор фаслига тўғри келган бўлса, ЖХ ларда эса куз ойларига тўғри келди. Аммо, *Shigella spp.* ШХ ва ЖХ энг юқори даражада ажратиб олиниш даври йилнинг ёз ойларига тўғри келди. Йилнинг куз ойларида ШПМ энг юқори даражада ЖХ – 60,0% ажратиб олиниши аниқланган, МХ ва ШХ ушбу кўрсаткич ёз ойларига тўғри келди – мувофиқ равишда 41,6% ва 52,6% ташкил қилди.



4-расм. Текширилган минтақаларда йилнинг фаслларига боғлиқ ҳолда ўткир диарея билан касалланган беморлар нажасида энтеропатогенларнинг учраш даражаси ва спектри (n=802, %).

Олинган натижаларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ПМ билан бир қаторда ШПМ юқори даражада ажратиб олиниши йилнинг барча фаслларига хос бўлиб, уларнинг даражаси тадқиқот ҳудудларида турлича бўлади. Ушбу ҳолат микроорганизмларни ташқи муҳитда йил давомида айланиб юриши билан боғлиқ бўлиб, йил фаслига боғлиқ бўлмаган ҳолда аҳолининг турли хил ёш гуруҳлари орасида ЎДК юқори даражада учрашига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «ПЗР усули ёрдами ЎДК нинг этиологик структурасини тасдиқлаш» деб номланган тўртинчи бобида ПЗР усули ёрдамида ЎДК нинг этиологик структурасини аниқлаш натижалари баён этилган.

Республиканинг учта ҳудудларидан келтирилган ЎДК билан касалланган беморлар нажасларининг 626 намунасида 456 таси ижобий бўлиб, 72,8% ташкил қилди, улардан 36,3% моноинфекция ҳолатлари аниқланган, 2та патогенлар ассоциацияси – 23,9%, 3 та патогенлар

ассоциацияси – 9,6%, 4 та патогенлар – 2,3%, 5 патогенлар аралашмаси – 0,7% фекалия намуналарида ажратиб олинди. ЎДК ташхиси бўлган беморлар нажас намуналаридан ажратиб олинган турли хил патогенлар ассоциациянинг умумий салмоғи 36,6% бўлди. ПЗР усулида олинган натижалар орасида 27,2% ҳолатларда салбий натижа олинди, яъни 626 та текширилган намуналарнинг 170 тасида (1/4 қисмида) ЎДК этиологияси ноаниқлигича қолди. Моноинфекция ва 2та патогенлардан иборат ассоциацияларнинг энг юқори даражаси ЖХ кузатилиб, мувофиқ равишда 47,3% ва 28,5% ташкил қилди, намуналарнинг салбий натижасининг юқори фоизи МХ хос бўлди. ШХ эса 3 та, 4та ва 5та патогенлар ассоциацияси генлари юқори фоизларда аниқланди ҳамда умумий олганда 16,3% ҳолатларни ташкил қилди.

ЎДК кўзгатувчилари бўлган патоген микроорганизмлар ген турларини ҳамда республиканинг учта ҳудудларида беморларнинг турли хил ёш гуруҳларида моноинфекция ҳолатларида учраш даражасини аниқлашга бағишланган тадқиқот натижалари таҳлилида, моноинфекциянинг 12 хили ажратиб олинган, штаммларнинг энг кўпи 1 ёшдан 14 ёшгача ва ундан катта бўлган болалар гуруҳларида кузатилган. МХ даги беморлардан ажратилган штаммларнинг 10 хили, ШХ ва ЖХ мувофиқ равишда 9 ва 7 хиллари ажратиб олинган. Аҳолининг бошқа ёш гуруҳларида эса моноинфекциянинг 3 тадан 7 тагача хиллари кузатилган.

Ҳудудлар ўртасида беморларнинг ёшига боғлиқ равишда текширувнинг ПЗР усулида бактериал ва вирус табиатли патогенларни детекциялаш даражасида фарқлар аниқланган: ЖХ (16,6%), даги 1 ёшгача бўлган болалар гуруҳида *Adenovirus*, ШХ (6,5%) *Astrovirus* устунлиги хос бўлди. ЖХ (27,3%) 1 – 3 ёшдаги беморлар гуруҳида эса *Shigella spp.*, МХ эса *Salmonella spp.* ва *EIEC* (33,3% ва 33,4% ҳолатларда); ЖХ даги 3 – 14 ёшгача бўлган болалар гуруҳида *EPEC* (100,0%) ва *Norovirus 2* (20,0%), МХ *Rotavirus* (27,3%); 14 ёшдан катта МХ (9,7%) беморларидан кўп ҳолатларда *Campylobacter spp.*, ЖХ (50,0%) *EAgEC* ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг кейинги босқич натижалари таҳлилида, бактериал ва вирус табиатли патогенлар детекцияси даражасини мавсумийлик ва ҳудудлар ўртасидаги фарқи аниқланди: ШХдаги беморларда киш ойларида патоген *E. coli* гени, *EAgEC* ва *EIEC* генлари устунлиги аниқланди (60,0%, 40,0%), МХ *EPEC* ва *Campylobacter spp.* (26,7% ва 20,0%); баҳор ойларида эса МХ *ЕНЕС* (8,5%) гени ЖХ ва ШХ *Norovirus 2* генлар детекцияси юқори бўлди, мувофиқ равишда 35,3% ва 35,0% ҳолатларда; йилнинг ёз ойларида *ЕТЕСТ* гени ЖХ (14,3%), *Adenovirus* ЖХ (25,7%) ва *Astrovirus* фақат ШХ (5,0%) детекцияси юқори бўлди; кузда МХ кўп ҳолатларда (25,0% дан) *Shigella spp.* ва *Salmonella spp.* ҳамда *Rotavirus* (50,0%) ажратиб олинган.

2 та патогенлардан иборат ассоциация 35 хил вариантларни ташкил қилди, қулай бўлиши учун бизлар уларни гуруҳларга ажратдик: бактерия+эшерихиоз, вирус+эшерихиоз ва эшерихиоз+эшерихиоз, бактерия+вирус, вирус+вирус.

2 та патогендан иборат ассоциацияни учта ҳудудларда беморларнинг ёшига боғлиқ равишда таҳлилида қуйидагилар аниқланди: бактерия+эшерихиозлар гуруҳи кўп ҳолатларда 14 ёш ва ундан катталар ёш гуруҳида МХ (42,0%) ва ШХ (40,0%) кўп кузатилди. Бактерия+вируслар эса ЖХ 3 ёшдан 14 ёшгача болаларда юқори бўлди - 50,0%. 2 та вирусларни бирга келиши кўп ҳолатларда ШХ 1 ёшгача бўлган беморлар орасида кўпроқ рўйхатга олинди - 23,9% ҳолат. Вируслар+эшерихияларни бирга келиши эса, барча ёшдаги беморларга хос бўлиб, МХ ва ЖХ юқори бўлди. 2 хил турдаги эшерихияларни бирга келиши ШХ аҳолининг барча ёш гуруҳларида аниқланган.

2 та патогенлардан иборат ассоциацияларни фасл ва ҳудудга боғлиқ равишда таҳлили шуни кўрсатдики, бактерия+эшерихияларни бирга келиши кўп ҳолатларда ШХ қиш ойларида кузатилди (75,0%). Бактерия+вируслар аралашмасини бирга келиши ЖХ баҳор ва ёз ойларида юқори бўлди – мувофиқ равишда 31,3% ва 33,3% ҳолатлар. 2 та вируслардан иборат ассоциация кўп ҳолатларда ШХ, йилнинг куз ойларида рўйхатга олинди ҳамда 35,8% ҳолатларни ташкил қилди. Вируслар+эшерихиялар ва эшерихия+эшерихия ҳолатлари бир хил миқдорда тадқиқотнинг барча ҳудудларида йил давомида кузатилди. БЗР усулида патогенлар таҳлилида 3та, 4та, 5та ассоциациялари, кам миқдорларда аниқланди.

Шундай қилиб, ПЗР усули вирусларни аниқлаш имконини беради (илгари аниқланмаган), бактериал қўзғатувчилар мавжудлигини сифатли ва тез (5 соат) аниқлайди. Аммо, бактериологик усул патоген ва шартли патоген флораларни қайси туркум ва турга мансублигини, қўзғатувчининг биологик хусусиятларини ўрганиш, антибиотикларга сезгирлигини аниқлашни батафсил тавсифлаш имконини беради, бироқ ташхисот жараёни ўртача 5-6 кун давом этади. ПЗР ва бактериологик текшириш усулларида биргаликда фойдаланиш мукамал ҳисобланади: ПЗР усули эмпирик даволашни эрта буюриш учун энтеропатогенларни этиологик омилини аниқлаш имконини беради. Бактериологик усул бактериянинг соф культурасини ажратиш, унинг хусусиятларини, микробларга қарши препаратларга сезгирлигини ўрганиш ҳамда шартли патоген энтеробактериялар гуруҳидан қўзғатувчиларни аниқлаш, кейинчалик даволаш тактикасига ўзгартириш киритиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Ўткир ичак инфекциялари билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *Salmonella typhimurium* штамmlарини фенотипик ва генотипик тавсифлари**» деб номланган бешинчи бобида *S. Typhimurium* штамmlарининг антибактериал препаратларга (АБП) нисбатан сезгирлигини, фенотипик ва генотипик тавсифлари ўрганиш натижалари ёритилган.

Учта ҳудудлардан ажратиб олинган барча ўрганилган штамmlар, 1 ва ундан ортиқ АБПни синфига турғун бўлди. Текширувдаги *Salmonella* популяциясини ўрганилган барча АБПга нисбатан турғунлиги кузатилди. Учта регионлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штамmlарини ҳаддан

зиёд даражада резистентликка эга эканлиги билан характерланди - МИК₅₀ ва МИК₉₀ ампициллин нисбатан 512 мкг/мл, цефотаксим ва цефтазидимга нисбатан – мувофиқ равишда 64 мкг/мл ва 128 мкг/мл бўлди. Турли хил β-лактама антибиотикларга нисбатан резистентлик (клавулан кислотаси билан ҳимояланган ҳамда клавулан кислотаси билан ҳимояланмаган) МҲ 84,6% дан (кенг спектрдаги цефалоспоринлар) 89,7% (ампициллинга нисбатан) гача бўлди, ЖҲ 85%, ШҲ 100% ҳолатларда кенг спектрдаги цефалоспоринларга нисбатан резистент бўлган. Аммо, учта ҳудудлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штаммлари карбапенемга (имипенем, меропенем) нисбатан ўз фаоллигини сақлаб қолди.

ЎИИ билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штаммлари МҲ налидиксин кислотасига нисбатан 92,3% ҳолатларда турғун бўлди, ЖҲ – 85% штаммлар, ШҲ – 100% штаммлар, бунда МИК₅₀ ва МИК₉₀ 512 мкг/мл ташкил қилди. Фторхинолонларга (ципрофлоксацин) нисбатан резистент штаммлар МҲ 74,3% (нисбатан турғун – 69,2%, турғун - 5,1%), ташкил қилди, 25,7% эса сезувчанликни сақлаб қолди. ЖҲ – 12% (нисбатан турғун) ва ШҲ – 53,1% (нисбатан турғун) бўлди. Ушбу дори воситасига нисбатан сезувчанликни аниқлашда МИК усулидан фойдаланилди. Бизнинг тадқиқотимиз натижаси, ципрофлоксациннинг МИК₅₀ ва МИК₉₀ 1 мкг/мл ташкил қилди, бу эса МҲ сальмонеллез инфекцияли беморларни даволашда фторхинолонларни қўллаш клиник самарасизликнинг юқори эҳтимоллигини кўрсатди.

S. Typhimurium штаммларининг хлорамфениколга нисбатан резистентлигини ўрганиш натижаларига кўра, ЎИИ билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* штамм МҲ – 84,6% ҳолатларда хлорамфениколга нисбатан резистент, ЖҲ – 85,0%, ШҲ 100,0% ташкил қилади, бунда МИК₅₀ ва МИК₉₀ 512 мкг/мл. Шу билан бир қаторда тетрациклин қаторидаги антибиотикларга нисбатан ҳам юқори турғунлик аниқланган, МҲ – 97,4%, ЖҲ – 94,0% ҳамда ШҲ 100% турғунлик аниқланган, МИК₅₀ ва МИК₉₀ - 128 мкг/мл.

ЎИИ ташхиси билан оғриган беморлардан ажратиб олинган *S. Typhimurium* таҳлил ўтказилганида гентамицинга нисбатан МИК₅₀ ва МИК₉₀ мувофиқ равишда 64 ва 128 мкг/мл ташкил қилди. Бунда, МҲ 76,9% штаммлар гентамицинга нисбатан резистент бўлган, ЖҲ – 82,0%, ШҲ – 81,3% ҳолатларда резистентлик кузатилган.

Ко-тримоксазолга нисбатан резистентлик 87,5% дан 64,1% оралиғида бўлиб, МҲ ажратиб олинган штаммларда резистентлик – 64,1%, ЖҲ – 85,0%, ШҲ – 87,5% ташкил қилди, МИК₅₀= ва МИК₉₀=512 мкг/мл бўлди.

